

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2020. TAR.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЙЎЛДОШЕВ АКМАЛ БАХТИЁРОВИЧ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЎЗБЕКЛАР: ТАРИХИЙ
ТАҲЛИЛ (1991-2020 ЙИЛЛАР)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022.

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии(PhD)
Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Philosophy (PhD)

Йўлдошев Акмал Бахтиёрович

Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар: тарихий таҳлил

(1991-2020 йиллар).....

3

Йўлдошев Акмал Бахтиёрович

Ўзбеки в государствах Центральной Азии: исторический анализ

(1991-2020).....

Yuldashev Akmal Baxtiyorovich

Uzbeks in countries Central Asia: A Historical Analysis

(1991-2020).....

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD 03/27.02.2020. TAR.72.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ

БУХОРО ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

ЙЎЛДОШЕВ АКМАЛ БАХТИЁРОВИЧ

МАРКАЗИЙ ОСИЁ ДАВЛАТЛАРИДАГИ ЎЗБЕКЛАР: ТАРИХИЙ
ТАҲЛИЛ (1991-2020 ЙИЛЛАР)

07.00.01 – Ўзбекистон тарихи

Тарих фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ

Бухоро – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2019.2.PhD/Tar464 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Бухоро давлат университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)). Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.buxdu.uz) ва «Ziyo-net» Ахборот-таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Ҳайтов Шадмон Аҳмадович
тарих фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Ғаффоров Шокир Сафарович,
тарих фанлари доктори, профессор

Давлатова Саодат Тиловбердиевна,
тарих фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Урганч давлат университети

Диссертация ҳимояси Бухоро давлат университети ҳузуридаги илмий даражалар берувчи PhD 03/27.02.2020 tar.72.07 рақамли илмий кенгашнинг 2022 йил «__» «____» соат__даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11 уй). (тел.: (99865) 221-29-14, факс: (998965) 2212707, e-mail: busu_rector@edu.uz).

Диссертация билан Бухоро давлат университети Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (_____ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 200118, Бухоро шаҳри, Муҳаммад Иқбол кўчаси, 11 уй). (тел.: (99865) 221-29-14, факс: (998965) 221-27-07).

Иноятов С.И.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тарих фанлари доктори, профессор

Рашидов О.Р.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, т.ф.ф.д. (PhD), доцент

Ғойибов Б.С.

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш ҳузуридаги Илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда ҳозирги глобаллашув, модернизациялашув, интенсивлашув жараёнлари кечаётган босқичда бирор бир ягона миллатли давлатни учратиш мумкин эмас. Миллий озчиликнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш, этник низо ва зиддиятларни олдини олиш ҳамда трансчегаравий можароларни бартараф этиш дунё ҳамжамиятнинг олдида турган муҳим вазифа бўлиб қолмоқда. XX аср сўнгги ўн йиллиги бошида совет салтанати парчаланиши билан ўнлаб мустақил давлатлар дунё сиёсий харитасида пайдо бўлди. Янги вужудга келган давлатларда истиқомат қилаётган миллий озчиликлар манфаатларига дахлдор муаммоларини ўрганиш долзарблик касб этмоқда.

Дунёнинг етакчи илмий марказ мутахассислари томонидан Марказий Осиё давлатларида истиқомат қилаётган халқларнинг этник таркиби, этнослараро муносабатларнинг ўзига хос жиҳатлари, уларнинг кундалик турмуши, ҳудудий жойлашуви, урф-одат ва анъаналари, ҳамкорлик алоқалари юзасидан илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Хусусан, минтақа ўзбекларининг ҳаёти, ижтимоий-сиёсий кечинмалари, моддий аҳволи, маънавий-маърифий салоҳияти, ҳуқуқий-фуқаролик ҳолати, уларда кечган трансформацион жараёнлар ҳамда демографик ўзгаришлар тарихий жиҳатдан тадқиқ қилинмоқда. Қўшни республикалар билан ўзбек миллати вакилларининг келажагига дахлдор манфаатли муносабатларни таркиб топтириш, уларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини таъминлашга хизмат қиладиган битимлар ва келишувларга эришишнинг илмий асосларини ишлаб чиқиш долзарб аҳамият касб этмоқда.

Мустақиллик йилларида Ўзбекистонда дунё ўзбеклари тарихини ўрганиш ва улар билан яқин алоқаларни ўрнатиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилмоқда. “Бизнинг минтақамиз халқларини минг йиллик қардошлик ва яхши қўшничилик ришталари боғлаб туради. Бизни тарих, дин, умумий маданият ва анъаналар бирлаштиради”¹. Бу борада Ўзбекистон Республикаси Марказий Осиё давлатлари интеграциясининг муҳим ташаббускори сифатида миллатлараро тотувлик, ҳамжиҳатлик ва ҳамкорлик тамойилларини қайта кўриб чиқиш ҳамда уларни амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш заруратини юзага келтирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 19 майдаги ПФ-5046-сон «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқаларини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон “2022-2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси тўғрисида”ги фармонлари, 2018 йил 29 ноябрдаги ПҚ-4038-сон «Ўзбекистон Республикаси миллий маданиятини янада ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори, Президентнинг Олий Мажлисга 2020 йил 29 декабрдаги мурожаати, ҳамда

¹ Мирзиёев Ш. Марказий Осиёда ўзаро дўстлик ва ҳамкорликни таъминлаш барқарор ривожланиш кафолатидир // Халқимизнинг розилиги бизнинг фаолиятимизга берилган энг олий баҳодир. 2-жилд. – Тошкент. “Ўзбекистон”, 2018. – Б. 264.

соҳага оид бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу тадқиқот иши муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Диссертация республика фан ва технологиялар ривожланишининг I. «Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари» номли устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Марказий Осиё халқларининг иқтисодий-хўжалик ҳаёти асосида тил ва этно маданий бирликлар вужудга келди. Жумладан, ўзбеклар узоқ давом этган ижтимоий, иқтисодий, сиёсий ва этномаданий жараёнларда Марказий Осиё ҳудудида тил ва ўзликни англаш бирлиги асосида шаклланди. Ўзбек халқининг шаклланиш жараёни ва тарихи масалалари кўплаб тадқиқотларга асос бўлган. Бу йўналишда олиб борилган тадқиқотлар диссертацияда кўрсатилган. Тадқиқотда тарихшунослик масаласи алоҳида бобда қараб чиқилади.

Тадқиқот мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасаси илмий тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Бухоро давлат университетининг илмий тадқиқот ишлари режасига мувофиқ «Ўзбекистонда миграцион жараёнлар ва муҳожирлик тарихи (2017–2021 йй.)» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг тарихи масалалари ва уларда кечган трансформацион жараёнларни очиб беришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

муаммонинг манбашунослиги ва тарихшунослигини тадқиқ қилиш;

Марказий Осиё давлатлари бўйлаб ўзбеклар жойлашувининг тарихий илдизлари ҳамда асосий босқичларини таҳлил қилиш;

минтақа давлатларида ўзбеклар нисбатан зич яшайдиган ҳудудларни аниқлаш ва улар сони, демографик ўсишдаги сабаб ва омиллар юзасидан маълумот бериш;

ўзбекларнинг ижтимоий мавқеи, машғулоти ҳамда уларда кечган трансформацион жараёнларни очиб бериш;

ўзбекларнинг миллий-маданий, маърифий уюшмалари, миллий матбуоти ва ижтимоий ҳолатини таҳлил қилиш;

Ўзбекистон ўзбеклари билан Марказий Осиё давлатлари ўзбеклари ўртасидаги ҳамкорлик алоқалари тажрибасини кўрсатиш;

Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар билан алоқаларни янада мустаҳкамлаш юзасидан таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг ҳозирги босқичдаги тарихи, уларнинг давлат ва жамият ҳаётида тутган ўрни ҳамда Марказий Осиё давлатларининг интеграциялашув жараёнига таъсири масалалари белгиланди.

Тадқиқотнинг предмети Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг тарихи ва Ўзбекистон билан ҳамкорлик масалалари,

шунингдек, Марказий Осиё ўзбекларининг ижтимоий-иқтисодий, сиёсий-ҳуқуқий ва тарихий жараёнлардаги ўрни масалаларини тадқиқ этиш ташкил этади.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда тадқиқотлар олиб боришнинг тарихийлик, объективлик, илмийлик, қиёсий таҳлил, тарихий-хронологик баён, анализ ва синтез, аниқ тарихий шароитда рақам ва далилларга таяниш каби метод ҳамда усуллардан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги куйидагилардан иборат:

Марказий Осиё давлатларида ўзбеклар жойлашувига таъсир этган омиллар сифатида совет ҳокимияти йилларида аҳолининг ихтиёрий, мажбурий-ихтиёрий кўчириш тадбирлари, қўриқ ва бўз ерларни ўзлаштириш компаниялари, сургун қилиш ва катағон сиёсати сезиларли таъсир этганлиги аниқланган;

мустақилликнинг дастлабки йилларида ўзбекларнинг ижтимоий-сиёсий мавқеи, миллий ўзлигини сақлаб қолиши даражаси ва сонининг пасайиб боришида “кўр миллатчилик”, миллий эҳтиросга берилиш, маъмурий бошқариш занжирининг бўшлиғи каби омилларнинг таъсир этганлиги ва бу қўшни республикаларнинг ўзаро миллий муносабатларнинг чигаллашувига сабаб бўлганлиги исботланган;

ўзбек миллати вакилларининг Марказий Осиё давлатларида озчилик миллатлар орасида биринчи, тубжой аҳолига нисбатан иккинчи ўринда туриши ва демографик ўсишга эришаётганлиги, улар асосан, Ўзбекистон чегараларига яқин ҳудудлар бўйлаб зич жойлашган тубжой аҳолиси эканлиги далилланган;

Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг миллий ўзлигини ва бирлигини сақлаб қолишларида миллий-маданий марказлар, миллий уюшмалар, жамоат ташкилотлари ва ўзбек тилидаги матбуот органларининг фаолияти самарадорлигининг ўрни ва аҳамияти исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари куйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳамаси ҳузуридаги Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг маълумотлар базасини бойитишда, қўмитанинг МДХ давлатлари билан алоқлар боғлаш бўлимининг стратегик режаларини шакллантиришда фойдаланилган;

Марказий Осиё ўзбекларининг тарихига оид кўплаб архив ҳужжатлари, бирламчи тарихий маълумотлар ва даврий матбуот материаллари илк маротаба илмий муомалага олиб кирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги тадқиқотда тарих фанида тан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, бирламчи манбаларга асосланганлиги, кўп турдаги тарихий адабиётлардан фойдаланилганлиги, хулоса, таклиф ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилгани, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқлангани кабилар билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар билан алоқаларни ривожлантириш ва

такомиллаштиришнинг энг муҳим тамойилларини ишлаб чиқишда, дўстлик жамиятлари, миллий-маданий марказлар ва ўзбек тилидаги матбуот органлари фаолиятининг мақсад ва вазифаларилари белгилашда, уларни моддий ва маънавий қўллаб қувватлашнинг ижтимоий-иқтисодий асосларини ишлаб чиқишда муҳим аҳамият касб этади.

Тадқиқот натижаларидан миллатлараро муносабатларни тартибга солишга мўлжаллаган давлат дастурлари ишлаб чиқишда, олий ўқув юртлари ва таълимнинг бошқа босқичларида Ўзбекистоннинг энг янги даври тарихидан махсус курслар ташкил этиш, дарслик, ўқув-қўлланма ва монографиялар тайёрлашда фойдаланиш мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. «Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар: тарихий таҳлил (1991-2020 йиллар)» мавзусини тадқиқ этиш бўйича диссертацияда олинган илмий натижалар ва маълумотлардан:

Марказий Осиё давлатларидаги ўзбекларнинг сони, демографик ўсиш динамикаси, минтақа бўйлаб тарқалиши ва жойлашуви, машғулоти каби жиҳатлари билан боғлиқ илмий янгиликлардан фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси давлат статистика қўмитасининг 2021 йил 9 ноябрдаги 01/5-20-13/2-110-сонли маълумотномаси.) Совет ҳокимияти йилларида аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари натижалари бўйича муҳим статистик маълумотлар тўпланган ва илмий муомалага олиб кирилган.

Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон ва Туркманистонда истиқомат қилаётган ўзбекларнинг 1926-2020 йиллардаги сони, жойлашув географияси, ижтимоий таркиби, машғулоти ҳақидаги муҳим маълумотлар аниқланган. Шунингдек, минтақадаги ўзбек жамиятлари ва уюшмалари, миллий-маданий марказлари, ўзбек тилидаги миллий нашрлар ва ижтимоий муассасалар ҳақидаги маълумотлардан қўмитанинг истиқболли режасини ишлаб чиқишда фойдаланилган. (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитасининг 2021 йил 3 декабрдаги № 14-09-2186-сонли маълумотномаси). Тадқиқот натижалари Марказий Осиё республикаларидаги ўзбеклар билан дўстона, маданий-маърифий ва қавм-қариндошлик алоқаларини мустаҳкамлашга хизмат қилмоқда.

Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар ҳаёти, турмуши, урф-одат ва анъаналари, ўзига хос маданияти, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, улар истиқомат қилаётган мамлакатлардаги аҳволи ҳақида маълумотлардан Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O’zbekiston tarixi” телеканали давлат муассасаси томонидан фойдаланилди (Ўзбекистон Миллий телерадиокомпаниясининг 2021 йил 28 декабрдаги 40-40 7865-сон маълумотномаси). Мазкур телекўрсатувлардаги маълумотлар Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси» фаолияти самарадорлигининг ўсишига хизмат қилган.

Тадқиқот натижалари апробацияси. Тадқиқот натижалари 5 та илмий конференция, жумладан, 2 та халқаро, 3 та республика илмий-назарий, илмий-амалий конференцияларда апробациядан ўтган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 14 та илмий иш Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг асосий илмий натижаларни чоп этиш тавсия этилган нашрларда; 9 та мақола, жумладан 6 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда эълон қилинган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган манбалар ва адабиётлар рўйхати ҳамда иловалар қисмидан иборат. Диссертациянинг тадқиқот қисми 154 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида танланган мавзунинг долзарблиги асослаб берилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети аниқлаштириб олинган, унинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологияларининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилиб, илмий янгилиги ва амалий натижалари очиқ берилган. Олинган натижаларнинг ишончлилиги исботланган ҳолда уларнинг назарий ва амалий аҳамияти кўрсатилган. Тадқиқотнинг амалиётга жорий қилиниши, ишнинг апробацияси, диссертант томонидан эълон қилинган ишлар ва тадқиқотнинг тузилиши юзасидан маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Муаммонинг манбавий асослари ва тарихшунослиги**» деб номланади. Ушбу бобда Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар тарихини ўрганишга қаратилган манбалар, шунингдек, тарих ва ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида яратилган тадқиқотлар таҳлил қилинган.

Мавзуни ўрганишга асос бўладиган манбалар қуйидаги гуруҳларга ажратилди: 1) архив ҳужжатларининг материаллари; 2) нашр қилинган расмий ҳужжатлар; 3) даврий матбуот материаллари; 4) дала суҳбати материаллари.

Архив материалларининг биринчи гуруҳига Ўзбекистон Миллий архиви (ЎМА) фонди киритилган. «Ўзбекистон чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар жамияти» (ЎОДКС, Р-2661-фонд) фондига тегишли бўлган ҳужжатларда Ўзбекистон ўзбеклари билан бирга Марказий Осиёдаги ўзбеклар ҳам хорижий алоқаларда иштирок этганлиги билан боғлиқ маълумотлар учрайди². Шунингдек, фонддаги ҳужжатларда қўшни республикаларнинг ўзбеклари «Ватандош» радиостанцияси (1961–1992 йй.), «Ойдин» рўзномаси (1968–1992 йй.), «Совет Ўзбекистони» («Ўзбекистон – контакт») журнали орқали фаолият юритганликлари қайд этилган.

Хорижий ватандошлар билан маданий алоқа боғлаш «Ватан» жамияти («Ватан» жамияти, Р-2822-фонд) фондига тегишли ҳужжатларда ўзбекларнинг собиқ Иттифоқ республикалари ва хорижий давлатларга

² Ўзбекистон Миллий Архиви (ЎМА), Р-2661 фонд, 1-рўйхат, 1, 9, 13,18-йиғма жилдлар.

тарқалиши, умумий ва алоҳида олинган мамлакатлардаги сони, қўшни республикалардаги ўзбекларга оид ахборот, ҳисобот, маълумотномалар мавжуд³.

Ўзбекистон ССР Марказий Статистика бошқармаси (Р-1619-фонд) фондида совет ҳокимияти йилларида 1926-1989 йилларда ўтказилган олти марта аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари тўпланган. Мазкур фонддаги ҳужжатлар ва статистик рақамлар ўзбекларнинг минтақадаги нуфузи, уларнинг кўпайиб бориш динамикаси, географик жойлашуви, машғулот, ижтимоий таркиби ҳақида кенг маълумотлар беради⁴.

Давлат режалаштириш қўмитасининг районлаштириш бўлими Туркистон бюроси (Р-1-фонд) фонди Марказий Осиё ўзбекларининг 1897-1925-йиллар кесимидаги сони, хўжалик ҳаёти, умумий аҳолига нисбатан фоизи ва улар жойлашуви географиясини ўрганишда муҳим манба ҳисобланади⁵.

Ўзбекистон хорижий мамлакатлар билан дўстлик ва маданий-маърифий алоқалар жамиятлари Кенгаши (М-2-фонд) билан боғлиқ фондда 1992–2017 йиллар давомида Марказий Осиё ўзбекларининг миллий-уюшмалари, ўзаро маданий алоқалари, делегация алмашувлари ҳақида анчагина маълумотлар тўпланган⁶.

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси (М-57-фонд) фондида хориждаги ўзбеклар ҳаёти ва фаолиятига оид радиоэшиттириш ва телекўрсатувлар стенограммалари, «Туркистон – умумий уйимиз» рукнида берилган кўрсатув ва эшиттиришларга оид радиосценарийлар ва телекўрсатувлар манбавий асослардан бири бўлди⁷.

Диссертациянинг манбавий асосини мустаҳкамлашда СССР Министрлар Совети ҳузуридаги Марказий Статистика бошқармаси (Р-1562-фонд 42-рўйхат), СССР Госплан Марказий Статистика бошқармаси (Р-7971-фонд 16-рўйхат) архивлари фондларидан фойдаланилди. Ҳозирда ушбу фондлар Россия Федерациясининг Иқтисодий архивида сақланиб, уларда Марказий Осиё бўйлаб ўзбеклар тарқалиши ҳамда жойлашувига оид рақам ва далиллар келтирилган.

Тадқиқотда 2017 йил 19 майда ташкил топган «Миллатлараро муносабатлар ва хорижий мамлакатлар билан дўстлик алоқалари қўмитаси»нинг, шунингдек, Марказий Осиё республикаларидаги ўзбек миллий уюшмалари ва ташкилотларининг жорий архиви материаллари илк бор илмий муомалага олиб кирилди.

Иккинчи гуруҳ манбаларга халқаро миқёсда эълон қилинган инсон ҳуқуқлари ва миллий озчилик манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган декларация, пакт, резолюция ва меморандумлар, ҳукуматлараро келишувлар, шунингдек, мустақиллик йилларида Марказий Осиё республикаларида ратификация қилинган инсон ҳуқуқлари ва миллатлараро муносабатларни

³ ЎзМА, Р-2822 фонд, 1-рўйхат, 56-63-йиғма жилдлар.

⁴ ЎзМА, Р-1619 фонд, 11 рўйхат, 649-йиғма жилд.

⁵ ЎзМА, Р-1 фонд, 1-рўйхат, 228, 721, 723, 725-йиғма жилдлар.

⁶ ЎзМА, М-2 фонд, 1-рўйхат, 1-19, 23-27-йиғма жилдлар.

⁷ ЎзМА, М-57 фонд, 1-рўйхат, 57-77, 83-87-йиғма жилдлар.

тартибга солишга йўналтирилган кўплаб расмий ҳужжатлар киритилди. Жумладан, «Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларация» (1948 йил), «Муҳожирлар ҳолати тўғрисидаги конвенция» (1951 йил), «Қочоқлар статуси ҳақида БМТ конвенция» (1951 йил), Фуқароларнинг сиёсий ҳуқуқлари ҳақидаги халқаро пакт» (1966 йил), “Миллий ёки этник, диний ва тил озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқлари тўғрисида”ги декларацияси (1992 йил), “Минтақавий ёки озчилик тиллари бўйича” Европа хартияси (1992 йил), МДХ давлатларининг “Миллий озчиликларга мансуб шахсларнинг ҳуқуқларини таъминлаш тўғрисида”ги конвенцияси (1994 йил), ЕХХТ аъзоларининг “Миллий озчиликларни ҳимоя қилиш бўйича” доиравий конвенцияси (1995 йил) кабилар муҳим назарий-методологик аҳамиятга эга бўлди.

Учинчи гуруҳ манбаларга Ўзбекистонда ва Марказий Осиё республикаларида чоп этилган ўзбек тилидаги матбуот органлари киритилди. Жумладан, Тожикистоннинг «Халқ овози» (Душанбе), «Сўғд ҳақиқати», «Қадрият», «Маънавият» газеталари ва «Шарқнома» журнали, Қозоғистоннинг «Жанубий Қозоғистон», «Адабиёт ва санъат», «Чимкент оқшоми», Қирғизистоннинг «Ўш садоси», «Жалолобод тонги» («Тонг»), «Ахборот» газеталари ва «Адабий ахборот» журналларининг материалларидан тадқиқотда имкон қадар фойдаланилди.

Тўртинчи гуруҳ манбаларга тарихнинг ҳозирги босқичида Марказий Осиё республикаларида истиқомат қилаётган ўзбек миллати вакиллари билан олиб борилган суҳбатлар киритилди.

Муаммонинг тарихшунослиги таҳлил этилар экан, Марказий Осиё республикаларида мустақиллик йилларида кечган мураккаб ва зиддиятли ижтимоий-иқтисодий, миллий-маданий жараёнлар тадқиқотларнинг долзарб мавзуларидан бирига айланди.

Тадқиқотнинг тарихшунослигида, Марказий Осиё республикаларидаги демографик жараёнлар, миллатлар ва миллий муносабатлар тарихига бағишлаб ёзилган ишлар куйидаги гуруҳларга ажратилди.

1) МДХ ва Марказий Осиё давлатларидаги муаллифлар томонидан яратилган ишлар;

2) хорижда чоп этилган ишлар.

Жумладан, Марказий Осиё республикаларида мустақиллик йилларида этнослараро кечган жараёнлар, уларнинг мамлакатлар барқарорлиги ва миллатлараро муносабатларга таъсири масалаларига қаратилган ишларга Ш.М.Шукуров, Р.М.Шукуров, А.Б.Белоглазов, Е.Пономарева, Г.Рудов, Ж.Нуриддинов, Е.А.Дмитриева, Г.К.Искаковларнинг⁸ тадқиқотларини

⁸ Шукуров Ш.М., Центральная Азия (опыт история духа). М: 2001. 265 с; Белоглазов А.Б. Международные ведение конфликты в Центральной Азии(1992-2006)//учёные записки КазакГУ (Гуманитарные науки). 2007; Том 149. Кн.3. –С. 160-174; Пономарева Е. Рудов Г. Межэтнические отношения как фактор нестабильности в санах Центральной Азии//Края дуги нестабильности: Балканы-Центральная Азия. 2010. Май. –С. 190-199; Дмитриева Е.А. Постсоветская Центральная Азия: этнотерриториальные споры и пограничные конфликты// Россия и мусульманский мир 2012. -№3. –С.95-102; Искаков Г.К.Проблемы региональной безопасности на Евразийском протестарнсе: тенденции, риски и угрозы// Вестник КРСУ: 2015. – Т.4 –С. 282-285; Вера: Этнос. Нация. Религиозный компонент этнического сознания (отв.ред.М.П.Мчедлов) –М.: 2009. – 368 с.

киритиш мумкин, Марказий Осиё ўзбеклари тарихи ҳақида эса Ш.А.Ҳайитов, К.Р.Несипбаева, Ш.Ҳамроқулова, Т.Раҳмонов, Ш.Шомуродов⁹ кабиларнинг ишлари киради. Истиклол йилларида Марказий Осиё минтақасида ва алоҳида олинган минтақа давлатларида кечган этно-социал, этно-маданий жараёнларга қаратилган тарих, сиёсатшунослик ва фалсафа йўналишларида яратилган диссертацияларда ҳам маълумотлар учрайди. Бу гуруҳга Ш.М.Абдуллаев, Д.А. Омукеева, Б.Х. Золотова, Т.С. Турсунова, Абашин, А.К. Пиров, В.А. Харченко, А.В. Шустов, М.З. Ташиева, Э.С. Токтасунова, Ю.В. Якушевларнинг ишларини қайд этиб ўтиш мумкин¹⁰. Марказий Осиё республикаларида миллий масала ва миллатлараро муносабатлар, инсон ҳуқуқлари ва эркинликларини ҳимоя қилиш билан боғлиқ, миллий озчиликка нисбатан муносабатлар ёритилган ишлар Д.М.Зоиров, С.В.Шишков, О.Е.Герасимова, Х.К.Бедиллов, И.Ш.Ражабов, С.А.Дехқонов, Ю.А.Кожевенекова¹¹ ишлари, Марказий Осиё республикаларида «миллий-маданий мухторият»га эришиш муаммоларини ечишга қаратилган ишлар

⁹ Ҳайитов Ш.А., Собиров Н., Легай А.С. Хориждаги ўзбеклар. Т.: Фан. 1992. – 112 б; шу муаллиф. Ўзбек мухожирлиги тарихи. (1917-1991 йй.) –Т.: ABV-MATBUOT-KONSALT. 2008. – 208 б; Несипбаева К.Р. Исторические аспекты возникновения и формирования узбекской диаспоры на территории Казахстана // Ярославский педагогический вестник; – 2012 – № 1 – Том I. –С. 57-61; Ҳамроқулова Ш. Ш. Қозоғистондаги ўзбекларнинг республика фан ва маданияти ривожига қўшган ҳиссаси (1925-2005йй.). Т.: Янги нашр, 2015. – 178 б; шу муаллиф Қозоғистон Республикасидаги маҳаллий олимларнинг республика кимё ва тиббиёт соҳаси ривожига қўшган ҳиссаси // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – 2009 – №6. – Б. 30-34; Ҳамроқулова Ш.Ш. Жанубий Қозоғистондаги ўзбек матбуоти («Жанубий Қозоғистон» газетаси мисолида) // СамДУ илмий тадқиқотлар ахборотномаси. – 2010 – №4. – Б. 37-47 ва ҳоказо.

¹⁰ Абдуллаев Ш.М. Этно-социальные и этно-политические процессы в Ферганской долине (Основные проблемы, тенденции и противоречия. 70-80-е годы XX в.) – Автореф. дисс. ... на соиск. докт. ист. наук. Ташкент – 1994. – 43 с; Омукеева Д.А. Этнонациональная политика современного Кыргызского государства. – Автореф. дисс. ... на соиск. докт. полит. наук. Москва – 2003. – 48 с; Золотова Б.Х. Культура межэтнического общения: региональный аспект. – Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. канд. философ. наук. Ставрополь 2004. – 24 с; Турсунова Т.С. Межэтнические толерантные взаимодействия в контексте изменения общественной жизни Республики Таджикистан. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. философ. наук. Душанбе – 2009. – 21 с; Абашин С.Н. Этнографическое знание и национальное соителство в Средней Азии («проблема сартов» в XIX – начале XXI в.). – Автореф. дисс. ... на соиск. докт. ист. наук. Москва – 2008. – 54 с; Харченко В.А. Внутригосударственные межэтнические конфликты на постсоветском пространстве: теория и практика политического управления (на материалах Юга России И Киргизистана). – Автореф. дисс. ... на соиск. докт. полит. наук. Бишкек – 2011. – 47 с; Шустов А.В. Становление независимых государств Центральной Азии. Этно-социальные проблемы (1991-2005 гг.). – Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. канд. ист. наук. Ярославль – 2011. – 26 с; Ташиева М.З. Особенности развития политической системы Кыргызской Республики в контексте процесса стабилизации межэтнических отношений. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. полит. наук. Москва – 2013. – 28 с; Токтасунова Э.С. Этнический фактор в политической жизни Кыргызистана. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. полит. наук. Санкт-Петербург – 2015. – 19 с; Якушева Ю.В. Динамика мажэтнических отношений в Республике Казахстан. Дисс. ... на соиск. учен. степ. докт. ист. наук; Москва – 2015. – 314 с.

¹¹ Зоиров Д.М. Формирование и развитие национальной государственности в санах содружества независимых государств (сравнительно-правовое исследование). – Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. докт. юридическ. наук. Санк-Петербург – 2004. – 46 с; Шишков С.В. Причины возникновения, сущность и перспективы развития национализма на постсоветском просанстве. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. философ. наук. Тверь – 2005. – 19 с; Герасимова О.Е. Национально-культурная автономия как форма самоопределения нации. – Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. канд. полит. наук. Санкт-Петербург 2007. – 23 с; Бедиллов Х.К. Развитие национальных отношений в условиях демократизации общества (опыт Таджикистана). – Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. канд. полит. наук. Душанбе–2007. – 20 с; Ражабов И.Ш. Национальное большинство и национальное меньшинство: место и их роль в государственном усойстве современного Таджикистана. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. полит. наук. Душанбе – 2010. – 22 с; Дехканов С.А. Международно-правовые аспекты защиты меньшинств. – Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. канд. юридическ. наук. Москва–2010. – 23 с;

Н.Л. Васильева, О.Е.Герасимова¹², ўзбек миллати вакилларининг кўшни республикалар бўйлаб тарқалишида совет ҳокимиятининг аҳолини ихтиёрий, мажбурий-ихтиёрий, мажбурий кўчириш, сургун ва қатағон қилиш сиёсати ҳуқуқшунос олим Г.В.Колев, сиёсатшунос ва файласуф олимлар Н.А.Бабажанова, Ю.И.Барженева, У.М.Рашидова, тарихчи Ф.М.Абдурашитов, М.С.Мавлонов, Д.Х.Алимовларнинг¹³ диссертацияларида манбалар асосида очиб берилган.

Тожикистондаги XX асрнинг сўнгги ўн йиллигида юз берган фуқаролар урушига қаратилган Т.Р.Мирзаев, Ф.М.Сатторов, О.К.Еськина, М.К.Ашуров, О.Х.Шарафиева, С.А.Мутов, С.С.Фаттоев¹⁴ кабиларнинг диссертация ишлари ҳам ўрганилаётган муаммонинг айрим жиҳатларини ёритган. Шунингдек, И.И. Джакупованинг диссертациясида Қирғизистон жанубида 1990 йиллардаги воқеалар таҳлил қилинса, Н.А.Сатилганова тадқиқотида Қирғизистон Республикасининг кўшни давлатлар билан чегаравий муаммолари ва унинг сабаблари таҳлил этилган¹⁵.

Учинчи гуруҳга хориж олимларининг ишлари кириб, айниқса, демографик, этно-миллий, этно-худудий муаммоларнинг маркази ҳисобланган Фарғона водийсида кечган ижтимоий-сиёсий воқеаларга баҳо беришда хорижлик тадқиқотчилар нуктаи назари муҳим бўлди. Айниқса, Е.В.Сиверс, М.Б.Олкотт, Л.П.Никлас кабилар томонидан эълон қилинган асар ва мақолаларда Марказий Осиё аҳолисининг миллий таркиби,

¹² Васильева Н.Л. Конституционно-правовой статус национальных меньшинств и проблемы его реализации. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. юридическ. наук. Хабаровск – 2013. – 28 с.

¹³ Колев Г.В. Международная вынужденная миграция и пути ее регулирования (вторая половина XX столетия). – Автореф. дисс. ... на соиск. докт. ист. наук. Москва – 2004. – 52 с; Бабажанова Н.А. Совет тоталитар сиёсатининг Ўзбекистон аҳолиси миллий таркиби шаклланишига таъсири (1941-1990 йиллар). Тарих фанлари номзоди илмий даражасини олиш учун тақдим этилган диссертация. – Тошкент. – 2008. – 30 б; Рашидова У.М. Исторический опыт решения проблемы беженцев и внутренних переселенцев в республике Таджикистан (1992-2007 гг.). – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. ист. наук. Душанбе – 2011. – 23 с; Абдурашитов Ф.М. Исический опыт переселенческой политики в Таджикистане (1924-1990 гг.). Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. докт. ист. наук. – Душанбе – 2014. – 41 с; Мавлони М.С. Перспективы развития водного сектора экономики государств Центральной Азии. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. географ. наук. Душанбе – 2019. – 25 с; Алимов Д.Х. Водохозяйственное соительство и освоение целинных земель южных районов Таджикистана (20-80-е годы XX в.). – Автореф. дисс. ... на соиск. докт. ист. наук. Душанбе – 2020. – 50 с.

¹⁴ Мирзаев Г.Р. Преодоление конфликтной ситуации в Республике Таджикистан. Россия и восстановление мира (90-годы XX в.). – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. философ. наук. Москва – 1994. – 38 с; Сатторова Ф.М. Особенности демографической политики в условиях перехода к рыночной экономике (на материалах Республики Таджикистан). – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. эконо. наук. Душанбе – 2004. – 24 с; Еськина О.К. История этнокультурных процессов в Таджикистане (советский период). – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. ист. наук. Душанбе – 2005. – 28 с; Ашуров М.К. Концептуальные основы мирного процесса по урегулированию конфликтов и их реализация в Республике Таджикистан. – Автореф. дисс. ... на соиск. учен. степ. канд. полит. наук. Москва–2007. – 21 с; Шарафиева О.Х. Гражданская война в Таджикистане 1990-1997 гг.. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. ист. наук. Томск – 2010. – 28 с; Мутов С. А. Центральная Азия в политике мусульманского мира. – Автореф. дисс. ... на соиск. степ. канд. полит. наук. Москва – 2011. 24 – с; Фаттоев С.С. Социально-политические конфликты и их особенности в условиях трансформации общества (на материалах Республика Таджикистана). – Автореф. дисс. ... на соиск. докт. философ. наук. Душанбе – 2012. – 44 с.

¹⁵ Джакупова Ч.И. Беженцы в Кыргызстане: проблемы истории и современность. 1990-е гг. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. ист. наук. Бишкек – 2000. – 23 с; Сатылганова Н.А. Территориально-пограничные проблемы независимого Кыргызстана. – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. ист. наук. Бишкек – 2019. – 25 с.

демографик жараёнлар, ишсизлик муаммолари, миллий-этник барқарорликка таъсир қилган муҳим омиллар таҳлил қилинган¹⁶.

Ираж Баширнинг рисола ва мақолалари Тожикистон фожиалари тарихини очиб беришга қаратилган¹⁷. Чет эл нашрларида Марказий Осиёдаги Ўш, Андижон, шунингдек, 2010 йил Қирғизистон жанубидаги воқеалар, Тожикистон фожиалари кабилар ҳақида кўплаб ишлар, хроникалар ва мақолалар эълон қилинган¹⁸. Бироқ ханузгача Марказий Осиё ўзбеклари тарихига бағишланган ягона яхлит илмий тадқиқот мавжуд эмас. Мазкур диссертация ушбу илмий бўшлиқни тўлдиришга хизмат қилади.

Диссертациянинг «**Марказий Осиё давлатларидаги ўзбеклар сони, ижтимоий мавқеи, ҳаёти ва фаолияти**» деб номланган иккинчи бобида минтақа республикаларида ўзбеклар жойлашувининг тарихий илдизлари, совет ҳокимияти йилларида уларнинг минтақа бўйлаб тарқалиши ва сони билан боғлиқ динамик ўзгаришлар, ўзбеклар машғулоти, мустақиллик шароитида ўзбеклар ҳаёти ва фаолияти, ҳамда ижтимоий мавқеи, ўзбекларда кечган трансформацион жараёнлар атрофлича таҳлил қилинган.

Мазкур бобнинг «*Марказий Осиё ўзбеклари, уларда кечган демографик ўзгаришларнинг тарихий илдизлари ва асосий босқичлари*» деб номланган биринчи параграфида совет ҳокимияти йилларида аҳолини рўйхатга олиш билан боғлиқ тадбирлар (1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йиллар) давомида ўзбек миллати вакиллариининг кўшни республикалар бўйлаб жойлашув географияси, улар сони, демографик ўсиш динамикаси, машғулоти, кундалик ҳаёти, ижтимоий мавқеи кабилар атрофлича ўрганилди.

Совет ҳокимияти йилларида Марказий Осиё республикаларидаги ўзбеклар тубжой аҳолидан кейин, миллий озчилик сифатида энг кўп сонли бўлиб, улар Тожикистоннинг Хўжанд, Кўрғонтепа, Туркменистоннинг Чоржўй, Тошовуз, Қирғизистоннинг Ўш, Жалолобод, Боткен, Қозоғистоннинг Туркистон, Сайрам, Ясси, Чимкент каби вилоят, шаҳар ва районларида нисбатан зич бўлиб яшаган. Ушбу ҳудудий бирликлар, асосан,

¹⁶ Siervers E.W. Water, Conflict and Regional in Central Asia// Environment law J.-2002. –V. 10, № 3. –P. 11-17; Olcott M.B. Central Asians Second chance. Washington: D.C.: 2005. – 488 p; Niklas L.P. Swanstrom. Svatne E. Cornell. Anara Tabyshalieva. A Strategic Conflict analysis of Central Asia. With a Focus on Kyrgyzstan and Tajikistan. London – 2005. – 40 p.

¹⁷ Iraj Bashiri. The History of the civil war in Tajikistan. Boston – 2020. – 29 p.

¹⁸ Tajikistan: an uncertain peace. International crisis group. Brussels – 2001. – 45 p.; Abdullayev K. Barnes S. Accord. Politics of compromise the Tajikistan peace process. Conciliation resources. London – 2001. – 100 p; Case Study Tajikistan. Evolution of UNDP assistance to conflict-affected countries. (Human Security). Evaluation Office. New-York – 2006. – 43 p; Беженцы после Андижана. Рост напряженности в Центральной Азии. UNHCR. London – 2006. Номер – 143. Издание – 2. – 16 p; Anna Matveeva. The perils of Emerging Statehood civil war and state reconstruction in Tajikistan an analytical narrative on state-making. London – 2009. – 61 p; Где справедливость? Межнациональные столкновения на юге Киргизии в июне 2010 г. Human Rights watch. NewYork – 2010. – 86 p; Никтои никога не спрашивал мнения молодежи. Взгляды молодых людей на вопросы идентичности, изоляции и перспектив мирного будущего в Центральной Азии (Отчёт). Safeworld, The Grayston Centre. London – 2012. – 48 p; Доклад. Хроника насилия: события июня 2010 г. на юге Кыргызстана (Ошский регион). Norwegian Helsinki committee. Helsinki – 2012. – 202 с; Незаконный оборот опиатов в северной части Афганистана и Центральной Азии: оценка рисков. UNODC. New-York – 2012. – 124 p; Аннет Бор. Туркменистан: Власть, политика и петро-авторитаризм. Chatman house. London – 2016. – 122 с; Global peace index 2020. Measuring peace in a complex world. IEP. New-York – 2020. – 107 p.

Ўзбекистон билан чегарадош бўлиб, чегараларга яқин бўлган ерларда ўзбеклар кўп сонли эди¹⁹.

Совет ҳокимияти йилларида ягона давлат ҳудудида истиқомат қилиш, чегаравий муаммоларнинг мавжуд эмаслиги, қўшнилар билан ўзаро қавм-қариндошлик, қуда-андачилик муносабатларининг ўрнатилганлиги каби имкониятлар мавжуд эди. Диссертацияда Марказий Осиё республикаларида ўзбеклар жойлашувининг тарихий илдизлари архив ҳужжатлари ва аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари орқали очиб берилди. Тожикистонда (1929–1991 йй.) ўзбеклар кўп сонли бўлиб, айрим манбаларда уларнинг сони 1925–1926 йилларда Ҳисор вилоятида 52.600 кишини, Қўлоб вилоятида 39.229 тани, Устуршона вилоятида 20.340 тани, Қўрғонтепа вилоятида 19.100 тани, Панжикентда 6.548 тани, жами: 139.817 кишини ташкил этган²⁰. Қолбуки, 1925-1926 йилларда республикада жаъми: 779.407 киши истиқомат қиларди²¹. Ўзбеклар Тожикистонда тубжой ўзбеклари ва Ўзбекистондан кўчирилган ўзбекларга бўлиниши манбалар таҳлили орқали аниқлаштирилди. Совет ҳокимиятининг мажбурий-ихтиёрий кўчириш сиёсати туфайли 1925–1932 йилларда Ўзбекистондан Вахш водийсига 8.030 хўжалик, Қўлоб вилоятига 4.761 хўжалик, Ҳисор вилоятига 1.965 хўжалик, жами: 15.826 хўжалик ўзбеклар кўчирилган. 1930 йилда 2.000 хўжалик аҳоли Тожикистонга Ўзбекистондан кўчирилган. Кўчириш жараёнлари 1980 йилларга қадар давом этиб, ўзбеклар асосан Фарғона водийси, шунингдек, Қашқадарё, Сурхондарё, Тошкент ва Хоразм вилоятларидан кўчирилган. 1925–1941 йилларда Ўзбекистондан Тожикистоннинг биргина Вахш водийсига 83.000 хўжалик кўчирилди²².

Статистик ҳисоботлар таҳлили шуни кўрсатадики, 1926–1939 йилларда Тожикистондаги ўзбеклар 2,5 баробар кўпайиб, 213.661 кишига етган²³. Ушбу юқори кўрсаткич демографик ва кўчириш каби омиллар билан боғлиқ. 1926–1959 йилларда Тожикистон ўзбеклари йилига 15–16 фоиздан кўпайиб, 454,433 кишига, 1959–1989 йилларда улар сони жадаллик билан ўсиб, 1970 йилда 665.662 нафарга, 1979 йилда 873.199 кишига, 1989 йилда 1.197.841 нафарга етган²⁴. Диссертацияда ўзбеклар сонининг Тожикистонда ўсиб бориши суръатлари ҳамда унга таъсир этган омиллар ўн йилликлар оралиғида далиллар орқали очиб берилган.

¹⁹ Ўзбекистон Миллий Архиви. Р-1 фонд, 1-рўйхат, 725-йиғма жилд, 46-47 варақлар; РГАЭ РФ (быв. ЦГАНХ СССР), фонд 1562, опись 336, ед. хр. 966-1001 (Разработочная таблица ф. 15А. Национальный состав населения по республикам, областям, районам СССР).

²⁰ Ўз МА, Р-1 фонд, 1-рўйхат, 725-йиғма жилд, 46-47 варақлар.

²¹ Ўз МА, Р-1 фонд, 1-рўйхат, 725-йиғма жилд, 50-51 варақлар.

²² Трагедия среднеазиатского кышлака: коллективизация, раскулачивание, ссылка. 1929-1955 гг. Документы и материалы-Том I-III (Сост. Р.Т. Шамситдинов, Б.М. Расулов; под ред. Д.А. Алимовой) Том II. Т.: Шарк, 2006. – 496 с.

²³ РГАЭ РФ, фонд 1562, опись 336, ед. хр. 966-1001. Таблица №15-а, лл. 103-117.

²⁴ Численность, состав и движения населения СССР. Статистические материалы. Статистика. Москва – 1965. – 564 с; Население СССР Справочник. Издательство политической литературы. Москва – 1974. – 192 с; Численность и состав населения СССР. (По данным Всесоюзной переписи населения 1979 года). Финансы и статистика. Москва – 1984. – 349 с; Население СССР 1988. Статистический сборник. Финансы и статистика. Москва – 1989. – 704 с;

Туркменистоннинг Шимолий-Шарқий ва Шарқий вилоятларида, Амударё оқими бўйлаб жойлашган ерларда ўзбеклар кўп сонли бўлиб, бироқ бошқа ҳудудларда ҳам тарқалганлар. Туркменистонда 1926 йилда 104.791 нафар, 1939 йилда 107.451 нафар, 1959 йилда 125.203 нафар, 1979 йилда 233.730 нафар, 1989 йилда 317.332 нафар ўзбеклар истиқомат қилган²⁵. Туркменистон ССРда Тожикистонга нисбатан ўзбеклар сонининг паст даражада ўсиши, ўша пайтда республикада ижтимоий-иқтисодий ҳаёт оғирлиги, совет ҳокимиятининг кулоқлаштириш, жамоалаштириш сиёсати, қатағонлар ва Иккинчи жаҳон урушига сафарбарлик каби кўпдан-кўп омиллар билан боғлиқ. Таъкидлаш жоизки, 1979 йилдан сўнг Туркменистон ССРда ўзбеклар сонининг кўпайиши йилига 10–13 фоизни ташкил этди, ҳолбуки, 1939–1959 йилларда бу кўрсаткич 0,6–0,7 фоиз даражасидан ошмаган.

Қозоғистонда ўзбеклар келиб жойлашувининг тарихини XVIII асрга, яъни Қўқон хонлиги даврига тўғри келиши билан боғлиқ маълумотлар тадқиқотларда келтирилган²⁶. Тадқиқотларда Қозоғистонда ўзбеклар 1897 йилдаги аҳоли рўйхатига кўра 29,6 минг эканлиги, умумий аҳолининг 0,75 фоизини ташкил этиши кўрсатиб ўтилган²⁷. Аммо 1897 йилдаги аҳоли рўйхатида уларнинг сони 68.572 нафар эканлиги қайд этилган²⁸.

Ўзбек миллати вакиллари Қозоғистоннинг Жанубий-Шарқий қисмида кўп сонли бўлиб, 1897–1926 йиллар давомида улар 129.407 нафарга етган²⁹. 1939 йилда Қозоғистонда 120.655 та, 1959 йилда 136.570 та, 1970 йилда 207.514 та, 1979 йилда 263.295 та, 1989 йилда 332.017 сонли ўзбеклар истиқомат қилган³⁰. Совет ҳокимияти йилларида ўзбеклар сони ўсиб бориб, 1926–1989 йиллар оралиғида 2,8 баробарга кўпайган. 1970 йиллардан бошлаб Жанубий Қозоғистондан республиканинг бошқа ҳудудлари бўйлаб ўзбекларнинг кенг тарқалиши кузатилади³¹.

Қирғизистон ССРдаги ўзбеклар Ўш, Жалолобод, Боткен вилоятларида азалдан яшаб келган тубжой аҳоли ҳисобланади. 1926–1939 йилларда Қирғизистонда ўзбеклар 33.645 нафарга кўпайган. 1926 йилда 117.906 та

²⁵ РГАЭ РФ, фонд 1562, опись 336, ед. хр. 966-1001 Таблица № 15-А, лл. 119-137; Население СССР 1988. Статистический сборник. Финансы и статистика. Москва – 1989. – 704 с; Народное хозяйство Туркманской ССР в 1989 году. Статистический ежегодник. Туркменистан. Ашхабад – 1990. – 314 с.

²⁶ Козина В.В. Демографическая история Казахстана (конец XIX- нач. XX вв.) учеб. Пос. –Караганда: изд-во КарГУ, 2007. –С 29

²⁷ Муратов А.С. Узбекская диаспора в Казахстане: особенности политического, социально-демографического и культурного развития (конец XIX-начало XXI века). Автореф. дисс... на соиск. учён.степ.канд.ист.наук. 2007 г. Алматы. С. 20

²⁸ Первая всеобщая перепись населения Российской империи 1897 . под редакцию Н.А.Тройницкого. Выпуск-7. Наличное население обоого пола по уездамъ с указанием числа лиц преобладающих родных языков. 1905 г. –С. 36-38.

²⁹ ЎзМА, Р-1 фонд, 1-рўйхат, 725-йиғма жилд, 174-варақ.

³⁰ РГАЭ РФ, фонд-7971, опис 16, ед.хр. 54.Таблица №5–С., лл. 243-257; Статистический ежегодник Казахстана в 1990 г. Казинформ. Алма-Ата. 1991 г. –С. 29-31; В.В.Козина Демографическая история Казахстана (конец XIX – нач. XXI вв.). Караганда. 2007. –С. 35-45.

³¹ Муратов А.С. Узбекская диаспора в Казахстане: особенности политического, социально-демографического и культурного развития (конец XIX-начало XXI века). – Автореф. дисс. ... на соиск. канд. ист. наук. Алматы – 2007.–С. 22-23.

Ўзбек яшаган бўлса, 1939 йилда улар сони 151.551 кишига етган³². Ўзбеклар Қирғизистон ССРда 1959 йилда 218.640 нафар, 1970 йилда 332.638 нафар, 1979 йилда 426.194 нафар, 1989 йилда 550.096 нафар эди³³. 1926–1989 йиллар оралиғида Қирғизистонда ўзбекларнинг ўртача йиллик ўсиши 5,8 фоизни ташкил этган.

Диссертацияда Марказий Осиё республикаларидаги ўзбеклар машғулоти, ижтимоий ҳолати ҳақида манба ва адабиётлар таҳлили орқали кенг маълумотлар келтирилган. Ўзбеклар хўжалиги тарихан таркиб топган ўтроқ деҳқончилик машғулоти билан банд эди. Тожикистон ССРда ўзбеклар пахтачилик, боғдорчилик, полизчилик, сабзавотчилик машғулоти билан шуғулланишган³⁴. Туркменистон ўзбеклари машғулотида деҳқончилик билан бирга чорвачилик ва тижорат машғулоти ҳам анъанавий тус олган³⁵. Қирғизистондаги ўзбеклар ҳам ўтроқ сунъий суғоришга асосланган деҳқончилик билан шуғулланиш баробарида савдо-сотик ва кичик бизнес билан шуғулланишган³⁶. Бироқ совет ҳокимияти йилларида хусусий тадбиркорлик тақиқлангани учун улар савдо дўконлари ва шаҳобчаларининг сотувчилари, қаҳвахона, ошхона, ресторанлар хизматчилари лавозимида ишлашган. Ўзбеклар орасидан зиёли ижодкорлар, олимлар, муҳандис ва тиббиёт ходимлари, маъмурий бошқарув ходимлари, таниқли хонандалар, спорт намояндалари кабилар етишиб чиққан³⁷.

Бобнинг «Минтақа давлатлари ўзбекларининг сони, машғулоти, миллийликни сақлаб қолиш даражаси ва трансформацион жараёнлар» деб номланган иккинчи параграфида мустақилликка эришган Марказий Осиё республикаларида ўзбекларнинг сони, машғулотидаги модернизациялашув анъаналари, миллийликни сақлаб қолиш даражаси ва унга таъсир этган омиллар ҳамда ўзгаришлар ўрганилган.

Минтақада мустақил республикалар вужудга келиш арафасида ва истиқлолнинг дастлабки йилларида миллий ўзликни англаш, миллий тил, миллий кадрият, урф-одат ва анъаналарни тиклаш жараёни асосий миллат билан миллий озчилик муносабатларида конфликтоген ҳолатларни келтириб чиқарган масалалар ҳам ишда далиллар асосида ўрганилди. Ҳар бир республикада «Тил тўғрисида»ги қонун, «Мустақиллик декларацияси», «Мустақиллик тўғрисида»ги, «Чегаралар тўғрисида»ги қонунлар қабул қилиниши билан қўшни давлатлардаги ўзбеклар ҳам Ўзбекистон ўзбеклари

³² РГАЭ РФ (быв. ЦГАНХ СССР), фонд 1562, опись 336, ед.хр. 966-1001 Таблица № 15А. Национальный состав населения по СССР, республикам, областям, районам), лл. 45-63.

³³ Хауг В. Демографические тенденции, формирование наций и межэтнические отношения в Киргизии. "Население Кыргызстана" / Под ред. З. Кудабоева, М. Гийо, М. Денисенко – Бишкек – 2004. –С.109-157.

³⁴ Муаллифнинг шахсий муҳбат материаллари.Ш.Х. Воҳидов, Р.М. Каримов, С.Р. Каримовлар билан суҳбат. 2019 йил 19-20 март; “Халқ овози” (Тожикистон) 2020 йил 30 июл, 31 декабрь.

³⁵ Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари. С.М. Оқиев билан суҳбат. 2020 йил 5 декабр.

³⁶ Муаллифнинг шахсий суҳбат материаллари. Шавкат Отахонов билан суҳбат. 2019 йил 23 ноябр; “Ўш Садоси” (Қирғизистон) 2017 йил 25 март, 2013 йил 23 ноябрь.

³⁷ “Ўш садоси” 2017 йил 11 март, 18 март, 2017 йил 20 май, 2019 йил 20 июль, “Халқ овози” газетасининг 1999 йил 8, 15, 22 апрель, 20, 28 май, 3, 24 июнь, 2018 йил 3 май, 9 август, 1 ноябрь, 2020 йил 11, 25 июнь, 13 август, 3, 17 сентябрь, 12, 19 ноябр сонлари, “Сўғд ҳақиқати” (Тожикистон) 2018 йил 3 январ, 15 август, 12 декабрь, 2020 йил 29 февраль, 18 март, 13, 15 апрель, 9 май, 26 август, “Жанубий Қозоғистон” (Қозоғистон) газетасининг 2021 йил 3 август, 2 сентябрь, 7 октябр сонлари ва ҳ.к.

учун «хориждаги ўзбеклар» бўлиб қолди. Уларга нисбатан «яқиндаги олислар», «яқин хориж ўзбеклари» атамаси қўлланила бошланди.

Диссертацияда Марказий Осиё ўзбекларининг мустақиллик йилларида янги шароитга мослашуви, ўз ватанларида тинч-осуда кун кўришга тўсик бўлган бир қатор омилларни, 1990 йил «Ўш воқеалари», 2010 йил Жанубий Қирғизистондаги ўзбек-қирғиз тўқнашувини, 1992–1997 йилларда Тожикистонда юз берган фуқаролар урушини, ўзбек-қирғиз, тожик-қирғиз анклавлардаги миллий-этник можароларга айланишига сабаб бўлиб қолган жанжалли масалаларнинг асл моҳияти очиб берилган.

1991–2020 йилларда Марказий Осиё республикаларидаги ўзбеклар сони ошиб боришда давом этди. Жумладан, 1995 йилда Туркменистонда аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра ўзбеклар 407.109 кишини, 2010 йилда 479.000 кишини ташкил этган ва умумий аҳолига нисбатан 9,2 фоиз эди³⁸. Қозоғистонда 1999 йилда 370.663 нафар, 2009 йилда 457.220 нафар, 2015 йилда 521.252 нафар ўзбеклар истиқомат қилиб, умумий аҳолининг 3,4 фоизини ташкил этган. Ўзбеклар Қозоғистоннинг Жанубий Қозоғистон ва Жамбил вилояти шаҳар туманларида, қишлоқ ва овулларида зич бўлиб жойлашган. Ҳозирда Қозоғистоннинг барча вилоят, шаҳар, туманларида ўзбеклар тарқалиб яшамоқда³⁹. Қирғизистон ўзбеклари хусусида 1992–1997 йилларда 700 минг, 800 минг атрофида ўзбеклар истиқомат қилганлиги ҳақида архив ҳужжатларида маълумотлар келтирилади⁴⁰. Қирғизистонда 2009 йилда 768.405 нафар, 2013 йилда 816.201 нафар, 2017 йилда 898.363 нафар, 2018 йилда 918.262 нафар, 2019 йилда 940.628 нафар, 2020 йилда 964.379 нафар ўзбеклар борлиги маълумотларда хабар қилинади⁴¹. Тожикистон Республикасида 2010 йилда 1.054.726 нафар, 2020 йилда 1.148.001 нафар ўзбеклар истиқомат қилиб, мамлакат аҳолисининг 11,8 фоизини ташкил этиши билан боғлиқ рақамлар мавжуд⁴². Шунингдек, Тожикистон, Қирғизистон ва Туркменистонда ўзбеклар сони жиҳатдан асосий миллатдан сўнг иккинчи ўринда, Қозоғистонда учинчи (қозоқ ва руслардан сўнг) ўринда туришади.

³⁸ People Population census of Turkmenistan 1995, Vol. 1, State Statistical Committee of Turkmenistan, Ashgabat, 1996. –С. 5-12; Turkmen Initiative for Human Rights Report. National minorities in Turkmenistan: education, culture and social sphere. UN. Vienna –2008. –Р. 5; Кадыров Ш.Х. Тайны туркменской демографии: проблемы, пробелы, фальсификации. М.: ИВ РАН, 2009. –С. 263; Станчик М.М., Ибрафиллов Н.Т. Миграционная подвижность населения Туркменистана // Синергия. 2018. –№4, –С. 23; Уставщикова С.В. Демографические аспекты развития населения и урбанизации в Туркменистане // Изв. сарат. ун-та. Нов.сер.Науки о земле. 2019, Том 19. –С. 263.

³⁹ Национальный состав населения Республики Казахстан. Итоги переписи население 1999 года а Республике Казахстан. Алматы – 2000. АРКС. –С. 8; Демографический ежегодник Казахстана 2008 года. Астана-2009. Қазақстан статистикаси. –С. 31;

⁴⁰ ЎЗМА, Р-2822-фонд, 1-рўйхат, 89-йиғма жилд, 65, 67-варақлар; М-2-фонд, 1-рўйхат, 57-йиғма жилд, 47-варақ.

⁴¹ Перепись населения и жилищного фонда Кыргызской Республики 2009 года. Книга I. Основные социально-демографические характеристики населения и количество жилищных единиц. Национальный статистический комитет Кыргызской Республики. Бишкек – 2009. –С. 36-37; «Статистический ежегодник Кыргызской Республики 2012-2016 годах». Бишкек – 2017. –С. 54; URL: <http://www.stat.kg/ru/statistics/naselenie/>;

⁴² Перепись населения и жилищного фонда Республики Таджикистан 2010 года. (Национальный состав, владение языками и гражданство населения Республики Таджикистан) Том III. Агентство по статистике при Президенте Республики Таджикистан. Душанбе – 2012. –С. 12-16.

Тадқиқотда Марказий Осиё республикаларида ортда қолган истиқлол йилларида миллий сиёсатда инсон ҳуқуқлари ва эркинликлари билан боғлиқ ҳалқаро меъёрларга, мамлакатларда чиқарилган бу борадаги расмий ҳужжатларга амал қилинмаганлиги, «тожиклаштириш», «қирғизлаштириш», «туркманлаштириш» сиёсати туфайли ўзбеклар ҳам анча азият чекканлиги билан боғлиқ тарихий далиллар келтирилган⁴³. Ушбу ҳолатлар фуқаролик гувоҳномаси ва паспорт олишда, таълим тизимида, депутатлик мандатларини эгаллашда ва маъмурий бошқарувдан четлатиш кабиларда яққол намоён бўлди.

Ўзбеклар XX аср охири XXI аср дастлабки ўн йиллигида ҳам анъанавий хўжалик машғулоти билан шуғулланишган. Бироқ кейинги йилларда янги касбларни ҳам ўзлаштирдилар. Улар хорижда таълим олиш орқали банкир, диллер, менежер каби касбларни эгалладилар. Ўзлари яшаб турган республикалардаги кўп сонли миллат тилини ўрганиш асосида саноат, қишлоқ хўжалиги ва хизмат кўрсатиш соҳаларида, транспорт, озиқ-овқат шаҳобчаларида фаолият кўрсатишга ўтдилар. Замонавий ўзбекларнинг оила тутишида, таомларида, кийим-кечакларида тарихий зарурат туфайли трансформацион жараёнлар кечди⁴⁴. Ушбу жараёнлар таҳлили диссертацияда аниқ рақам ва далиллар орқали очиб берилган.

